

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТАМОМЛАШ МОҲИЯТИ,  
УНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТУРЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11116818>

**Қобулов Алиакбар Акмалжон ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги Университети  
мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** *Ушбу мақола орқали Сиз, Жиноят ишларини тергов қилишнинг сўнгги босқичи ҳисобланган дастлабки терговни тамомлаш институти, дастлабки терговни тамомлаш моҳияти, унинг аҳамияти ва турлари ҳақида билиб олишингиз мумкин.*

**Калит сўзлар:** *тергов, ҳуқуқ ва эркинлик, дастлабки терговни тамомлаш институти, дастлабки терговни тамомлаш, жиноят ишини қўзғатиш.*

**КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш энг муҳим мақсадли вазифалардан бири бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида ҳалқаро эътироф этилган нормалар асосида ҳамда миллий анъаналар ва халқ урф-одатларини инобатга олган ҳолда оғишмай ва изчил амалга оширилмоқда. Умумжаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланган мамлакатимиз Конституцияси, фуқароларнинг сиёсий, ирқий, миллий, диний, мулкӣ ва бошқа белгиларга кўра ҳар қандай чеклашларни истисно қилувчи сайлов тизими, ҳокимият тармоқларининг бўлиниш ва ўзаро таъсир тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, меҳнат қилишга доир, мулкӣ ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун мажмуалари бу йўлдаги белгиловчи босқичлар бўлиб қолди.

Республика парламенти ўзининг қонун ижодкорлиги фаолиятида инсон ҳуқуқларининг устунлиги принципига таянади, яъни ҳар бир қонун таъсир доирасидан қатъи назар, ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши давомида инсоннинг асосий ажралмас ҳуқуқларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда суд тизими, унинг ҳозирги замон масалаларини ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда олиб бораётган қатъий чора-тадбирлари муҳим ўрин тутмоқда. Суднинг демократиявийлигини, холислигини унинг имкониятларидан ҳар бир фуқаро фойдалана олишини таъминлаш, суд ҳимояси доирасини кенгайтириш вазифалари қўйилди. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарида ислоҳотларнинг биринчи босқичига яқун ясаб ва иккинчи босқичидаги вазифаларни белгилаб шуни алоҳида таъкидлайдики, «қабул қилинган норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янги ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ» .

Жиноят ишларини тергов қилишнинг сўнги босқичи ҳисобланган дастлабки терговни тамомлаш институти ҳам йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда. Бутун жиноят процесси давомида (жиноят ишини қўзғатгунгача бўлган даврни ҳисобга олинмаганда) шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг ягона йўли, жиноят ишини тугатиш ҳисобланади. Дастлабки терговнинг сўнги босқичига иш бўйича тўпланган далилларнинг тўлиқлиги, ҳар томонламалиги ва ҳолислигини текширишга, ўтказилган терговнинг камчиликларини тўлдиришга, тергов ҳаракатларини қонун талабларига мувофиқ равишда узил-кесил расмийлаштиришга, дастлабки тергов хулосаларини ифодалаш ва асослашга, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган процессуал ҳаракатлар ва тегишли ҳуқуқий муносабатлар мажмуи ҳосидир.

Дастлабки терговни тамомлаш тушунчаси жиноят процессуал-кодексида мавжуд бўлсада, унинг тушунчаси ва таърифи қонунчилигимизда ўз аксини топмаганлиги боис, юридик адабиётларда ушбу тушунчага нисбатан турлича фикрлар билдириб келинмоқда. Жумладан, А.Я.Дубинскийнинг таърифига кўра эса, дастлабки терговни тамомлаш бу дастлабки терговни якунловчи босқичи сифатида номоён бўлиб, давлат номидан тегишли ваколатларга эга бўлган органининг (терговчи ва прокурор) иш бўйича тўпланган далиллар йигиндисини таҳлил этиб, баҳолаб, улар асосида терговни муайян қарор билан якунлаш ҳақидаги хулосага келиши ва вужудга келган саволларнинг ҳолатдан келиб чиқиб ҳал этишидир .

Юридик адабиётларда дастлабки терговни тамомлаш бўйича қилинган хулоса ёки оддий бир техник акт эмаслиги ҳақида тўғри таъкидланган. Жиноят иши бўйича дастлабки терговни тамомлаш бир қатор муҳим масалаларни ўзида акс эттирган терговнинг якуний босқичи бўлиб ҳисобланади. Бу босқич қуйидагиларни ўз ичига олади:

— иш бўйича йиғилган далиллар ва уларнинг йигиндисини таҳлиб қилиб, баҳолайди ва шунга асосан қонунда ишни тамомлаш билан боғлиқ бўлган асосини аниқлаб, асосланган ва ишончли хулосани чиқарилиши билан боғлиқ бўлади;

— жиноят иши материалларини талаб даражасида (Жиноят-процессуал кодексда белгиланган тартибда) тизимлаштириш ва қайд этиш. Бу одатда далилларни баҳолаш ва қайд этиш билан боғлиқ бўлади, чунки бу ҳаракатлар далиллар манбаларини тадқиқ қилишга ёрдам беради;

— жиноят ишини тамомлаш билан боғлиқ қарорлардан бирини тузиш; дастлабки терговни тамомлаш бўйича тузиладиган қарор билан боғлиқ бўлган барча саволларни ҳал этиш;

— айбланувчи ва иш бўйича манфаатдор бўлган шахсларга жиноят иши тамомланганлиги тўғрисидаги хабарни етказиш ва уларнинг илтимосига кўра

тугатишган иш материаллари билан таништириш, шунингдек, таништирув жараёнида келиб чиққан масалаларни ҳал этиш;

Дастлабки терговни тамомлашнинг қуйидаги турлари мавжуд:

а) жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш;

б) айблов хулосасини тузиш;

в) ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш;

г) ишни тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш;

д) амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш.

Дастлабки терговни тамомлашда терговчи ишнинг барча материалларини таҳлил қилади ва баҳолайди, иш ҳолатларининг тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона тадқиқ этилганлигини текширади. Терговчи тергов жараёнида ҳақиқатга эришиш учун зарур бўлган қонуний исботлаш воситаларининг барчасидан фойдаланилганига ҳамда иш ҳолатлари аниқланганига ишонч ҳосил қилгач, далиллар тўплашни тўхтатади, материаллар (ҳужжатлар)ни тартибга солади, ишнинг мазмунан хулосаларни ифодалайди ва асослайди. Дастлабки терговнинг ушбу якунловчи босқичида ишни бундан кейин кимга жўнатиш кераклиги ҳақида қарор чиқарилади.

Терговчи ишнинг исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларини тўлиқ аниқлаганидан ва тергов давомида юзага келган тергов тусмоллари текширилганидан кейингина дастлабки тергов тугалланган ҳисобланади. Жиноят ишини қўзғатиш қонуний бўлган ва дастлабки тергов жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган бўлса, у қонуний якунланади.

Агар айбланувчининг содир бўлган жиноятда айбдорлиги исботланмаган бўлса ва унга қарши қўшимча айблов далиллари бўлмаса, шунингдек уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асослар мавжуд бўлса, ушбу шахсга нисбатан жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор чиқарилиши мумкин.

Башарти ушбу жиноят иши бўйича битта айбланувчи жавобгарликка тортилган бўлса, жиноят иши уни тугатиш ҳақида қарор чиқариш билан якунланиши мумкин.

Мабодо айбланувчи муомала лаёқатига эга эмас деб топилган бўлса ва атрофдаги кишилар учун хавfli ҳаракатлар содир этаётган бўлса, дастлабки тергов ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун судга юбориш ҳақида қарор чиқариш билан тамомланиши мумкин.

Айрим олимларнинг фикрича, прокурорнинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорни асосланганлиги ва қонунийлиги устидан назорат олиб бориши дастлабки терговни якунлаш босқичига киритилиши лозим .

Дастлабки терговни тамомлаш талаб даражасида бўлиши учун ўзида қонунийлик, асосланганлик, умуммажбурийлик ва ўзига хослик каби хусусиятларни акс эттириши лозим.

Дастлабки терговни тамомлашнинг қонунийлиги деганда, қонуннинг барча талабларига амал қилган ҳолда муайян қарорга келинишини тушунишимиз керак, яъни жинойт процессининг принциплари, дастлабки терговни умумий шартлари ва жинойт-процессуал кодексининг бошқа барча талабларига риоя қилиниши керак, акс ҳолда дастлабки терговни тамомлаш қонуний бўлмайди.

Дастлабки терговни тамомлашнинг асосланганлиги деганда, иш бўйича йиғилган барча далилларни қонун асосида йиғилганлигини, ишга алақадор, ҳақиқий ва якуний қарорни чиқариш учун етарли бўлиши лозим. Акс ҳолда, чиқарилган қарор тегишли асосга эга бўлмаган ҳужжатга айланиб, ўз кучини йўқотади.

Дастлабки терговни тамомлашнинг ўзига хослиги шундаки, агар махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахс юритувидаги жинойт иши бўйича ишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилса, иш бўйича бирор бир бошқа хулосага келиш мумкин эмас. Алоҳида ҳолатларда, судни ЖПКнинг 417-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ўз иш юритувида бўлган жинойт иши бўйича, ишни қўзғатиш зарур деб топилган холлар ёки тегишли прокурорнинг ЖПКни 382-моддасига мувофиқ, ўз назоратида бўлган терговчининг қарорини бекор қилиб, қайта қўзғатиши ёки бошқа бирор бир хулосага келиши бундан мустасно.

Шунингдек, дастлабки терговни тамомлашнинг бошқа турлари бўйича ҳам шундай қоидалар мавжуд.

Дастлабки терговни тамомлашнинг оммавий-сиёсий аҳамияти қуйидагиларда номоён бўлади:

— дастлабки терговни тамомлаш давлатнинг олиб бораётган сиёсатини, инсонпарварлигини, демократик тамойилларга амал қилаётганлигини, шунингдек, тергов органларини жинойтчиликка қарши олиб бораётган фаолиятларини номоён этади;

— дастлабки терговни тамомлаш, фақатгина махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахс (терговчи прокурор) томонидан амалга оширилади;

— махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахс, дастлабки терговни тамомлаш тўғрисидаги тўхтама ифодаланган ҳужжатни давлат номидан чиқаришида;

Дастлабки терговни тамомлашнинг процессуал — ҳуқуқий аҳамияти қуйидагиларда номоён бўлади:

— айби бўлмаган шахсни ноқонуний равишда жинойт жавобгарликка тортилиш холларини олдини олишда;

— иш бўйича йиғилган барча далиллар таҳлил қилиниб, уларга якуний баҳо берилади ва ушбу берилган баходан келиб чиқиб, тегишли хулосага келинишида;

— айбланувчини (гумон қилинувчини) химояланиш конституциявий ҳуқуқи амалга оширилиши, процесснинг бошқа иштирокчиларини (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминланишида;

— ишнинг якунидан манфаатдор бўлган процесс иштирокчиларига (айбланувчи, гумонланувчи, жабрланувчи ва бошқалар) қонунда белгиланган муддат давомида, терговчининг дастлабки терговни тамомлаш тўғрисидаги қарори устидан, прокурорга шикоят келтириш ҳуқуқини вужудга келтиришида;

Дастлабки терговнинг якунловчи босқичида терговчи жиноят ишидаги далилларни яна бир бор текширади ва таҳлил қилади. Терговчи тўпланган далилларни айблов ҳулосасини тузиш учун етарли деб топилганидан кейин айбланувчи ва ҳимоячига дастлабки тергов тамомланганлигини эълон қилади, уларга ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишга доир ҳуқуқларини тушунтиради ва танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Башарти жиноят ишини юритиш тугатилган бўлса, терговчи бу ҳақда ва иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи ҳақида гумон қилинувчини, айбланувчини ва ҳимоячини хабардор қилади ҳамда уларнинг илтимосига биноан уларга танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади. Терговчи дастлабки тергов тамомланганлиги ва иш айблов ҳулосаси билан судга юборилиши ёки иш тугатилганлиги тўғрисида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига хабар қилади, башарти улар хоҳласалар, барча иш материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради. Сўнг терговчи кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчиларининг илтимосига мувофиқ, танишиб чиқиш учун уларга ишни тақдим этади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, ҳодисалар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиб чиқиш учун тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда баённомаларнинг кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмлари муҳрланган ҳолда сақланади. Бироқ бундай ҳоллар тергов амалиётида кам учрайди.

Агарда айбланувчининг ҳимоячиси ёки жабрланувчи фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили узрли сабабларга биноан белгиланган вақтда иш материаллари билан танишиб чиқиш учун кела олмаса, терговчи танишиб чиқиш муддатини кўпи билан беш суткага кечиктириши мумкин. Ҳимоячи ёки вакил бу муддат ичида келмаган тақдирда айбланувчига бошқа ҳимоячини таклиф қилиш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарга бошқа вакил чақириш учун имконият яратилади.

Терговчи жиноят ишидаги материалларни танишиб чиқиш учун тикилган ва рақамланган кўринишда, ҳар бир жилддаги ҳужжатларни рўйхат қилган тарзда тақдим этади. Иш билан танишиб чиқиш учун зарур бўлган муддат чекланмайди. Лекин процесс иштирокчилари ишдаги материаллар билан танишишни атайлаб чўзишга уринаётган бўлсалар, терговчи ўз қарорида ишдаги материаллар билан танишиш учун муайян муддат белгилашга ҳақлидир.

Жиноят иши билан танишиб чиқаётган шахс ишдаги ҳужжатлардан кўчирмалар ёзиб олишга ҳақлидир, давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно.

Терговчи ишдаги материаллар билан танишиб чиққанлик тўғрисида баённома тузади.

Жиноят иши билан танишиб чиққандан кейинги оғзаки илтимосларни терговчи баённомага киритади . Процесс иштирокчиси ёзма тарзда алоҳида илтимоснома бериши мумкин, бу ҳақда баённомада ёзиб қўйилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш билан танишиб чиқишгач ёки бирор сабабга кўра танишиб чиқишдан бош тортганларидан кейин терговчи улардан қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки янги қарорлар қабул қилиш хусусида илтимослари бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Тарафларнинг аризасига биноан илтимосномалар тайёрлаш ва тақдим қилиш учун уч сутка доирасида вақт берилиши мумкин. Терговчи илтимосномани тўла ёки қисман рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу ҳақда илтимоснома берилган вақтдан бошлаб уч сутка ичида аризачига хабар беради.

Аризачи илтимосни қондириш рад қилинганлиги тўғрисидаги қарор билан танишиб чиққанидан кейин икки сутка ичида прокурорга рад этилганлик устидан шикоят қилиши мумкин .

Агар терговчи илтимосни қондирса, у ким томонидан ва кимларнинг манфаатлари йўлида билдирилган бўлишдан қатъий назар, айбланувчи, ҳимоячига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ишдаги барча материаллар билан яна танишиб чиқиш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки терговни тамомлаш ўз мазмунига кўра, дастлабки терговнинг сўнгги босқичи бўлиб, унда иш бўйича тўпланган барча далиллар умумлаштирилиб, баҳоланади ва шу асосда терговни тамомлашнинг муайян турига мурожаат қилинади. Бундан ташқари, ушбу босқичда қабул қилинган қарор натижасида давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсати ҳаётга тўғри татбиқ этилишини инобатга оладиган бўлсак, ундаги қоидаларни аввало билиш ҳамда тўғри қўллаш масаласи долзарб саналади. Шу сабабли дастлабки терговни тамомлашнинг мазмун-моҳатини тўғри ўзлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник. / Отв. ред. П.А. Лупинская. - М.: Юристъ, 2001. - 219 с

2. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова. Г.З. Жиноят процесси муаммолари. Ўқув қўлланма./ ю.ф.д., проф Абдумажидов Ғ.А. умумий таҳрири остида.–Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –Б. 237-238.

3. Рахмонқулов А.Х. Ички ишлар органларида дастлабки тергов. Дарслик. –Т.: - Уз.Р. ИИВ Академияси, 2005. – Б. 83, 158.